

«Шамоилул Муҳаммадия» асарининг хатмонаси яқунланди



22:34 / 29.06.2021 1994

2021 йил 29 июнь куни пойтахтимиздаги «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф жоме» масжидида буюк ватандошимиз имом Абу Ийсо Муҳаммад Термизий раҳматуллоҳи алайҳнинг «Шамоилул Муҳаммадия» асарининг хатмонаси яқунланди.

Image not found or type unknown



Ушбу хатмонага Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари ва Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Нуриддин домла Холиқназаров, Эргашали домла Рустамов, масжид имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содик, имом-ноиб Хасанхон Яҳё Абдулмажид ҳамда илм аҳллари, шунингдек катта жамоат сийрат хатмонасига ташриф буюрдилар. Шом намози адо этилгач муфтий ҳазратлари намозхонларга юртимизда диний-маърифий соҳалардаги ислохотлар ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown






Сухбатдан сўнг ушбу масжид имом-ноибни Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид қори бошчилигида Қуръони карим ҳамда буюк ватандошимиз имом Абу Ийсо Муҳаммад Термизий раҳматуллоҳи алайҳнинг «Шамоилул Муҳаммадия» асарининг хатмонаси қилинди. Сўнгра муфтий ҳазратлари сийрат хатмонаси дуоларини қилиб бердилар. Ушбу сийрат хатмонасида асарни бошидан охиригача тўлиқ тинглаганлар Баҳодир Ҳасан ўғли, Нодиржон Тоҳиржон ўғли, Исматуллоҳ Иззатуллоҳ ўғли, Абдувосиқ Алибой ўғли, Даврон Фахриддин ўғли, Исмоил Абдулбосит ўғли, Иброҳим Ғанижон ўғлига шаҳодатномалар тақдим қилинди. Шаҳодатномаларни муфтий ҳазратлари топширдилар.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Хатмона яқунлангач «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содиқ «Олтин силсила» туркумидаги «Саҳиҳи Муслим» китобининг тўлиқ жузи нашрдан чиққанлигини эълон қилдилар ва муфтий ҳазратларига ушбу асарни тақдим этдилар.

Сўнгра Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Нуриддин домла Холиқназаров ва бутун жамоат муфтий ҳазратларининг ҳақларига дуолар қилдилар.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Уламолар ташрифи ва сийрат хатмона маросими hazratim.uz ҳамда islom.uz порталининг барча ижтимоий саҳифаларида тўғридан-тўғри эфирга узатилди.


Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Аллоҳ таоло сийрат хатмонасини ва қилинган дуоларимизни қабул айласин!